

Мустақиллик ҳуқуқ демақдир

ҲУҚУҚ

ЮРИДИК ГАЗЕТА

1998 йил
11 март, чоршанба

10 (22)

Газета 1997 йил 27 августдан
чиқа бошлаган



Халқимиз кўчат экиб, боғ-роғ яратишни бағоят савоб иш деб билади. Кўклам - бу ниятлар ушаладиган, савоблар рўёбга чиқадиغان фаслдир.

Тошкент вилоят прокуратурасида

ДОЛЗАРБ МАСАЛА МУҲОКАМАСИ

10 март куни Тошкент вилоят прокуратурасининг навбатдаги ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Ҳайъат йиғилишини вилоят прокурори Орипжон Холматов бошқарди.

Йиғилишда биринчи масала юзасидан Янгийўл шаҳар прокуратураси иштини ялпи текшириш якунлари бўйича вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари У.Иномжонов маъруза қилди. Маърузада шаҳар прокуратураси томонидан ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган баъзи хато-камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Республика Президентининг 1997 йил 3 декабрдаги Конституциянинг 5 йиллиги муносабати билан эълон қилинган амнистия ҳақидаги Фармони ижроси юзасидан прокурорнинг катта ёрдамчиси вазифасини бажарувчи

Эркин Азимовнинг ҳисоботи тингланди. Нотиқ мазкур фармон ижроси борасида амалга оширилаётган ишларга атрофлича тўхталиб ўтди. Шунингдек, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси А.Аҳмаджонов Чиноз туманида ҳуқуқ тарғиботи ҳамда қонунларни муҳасамалаштириш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан ўтказилган текшириш натижалари ҳақида тўхталиб ўтди. Ҳайъат ишида Чиноз туман прокуратураси ходимларининг бу борадаги фаолияти ижобий баҳоланиб, жойларга ушбу тажрибани оммалаштириш мақсадида йўналтирувчи хат юбориш мақсада мувофиқ, деб топилди.

Қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ушбу сонда

ОИЛА МУҚАДДАС, ТАРБИЯ БОШ МАСАЛА

Иккала ҳолат бир-бирига ўхшамайди. Ундаги жиноятларнинг мақсади ҳам, усули ҳам бошқа-бошқа..

ЎН МИЛЛИОНГА ТУШГАН ФАРМОЙИШ

Раҳбарнинг эътиборсизлиги, саводсизлиги туфайли ҳўжаликлар катта миқдорда зарар кўриб, ишчи-хизматчилар ойлик маошларини ололмасдан азият чекишмоқда.

ЁЛЛАНГАН ҚОТИЛ

Италян адиби Томмазо Ландолфининг ушбу хикоясида ўзига-ўзи қотил ёллаган одамнинг саргузаштлари билан танишасиз.

Ҳикмат

Иложи борича одамларни олий жазога тортмасликка ҳаракат қилинглар. Лекин олий жазолар ҳам бутунлай бекор қолмасин.

Ҳадисдан.

ЧОРШАНБАДАН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Санитария қонунларини бузганлиги учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги, «Фонд бозорини янада ривожлантириш ҳамда давлат мулки негизда ташкил этилган акциядорлик жамиятларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Давлат корхоналари негизда ташкил этилган акциядорлик жамиятларида акцияларни жойлаштиришнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини текшириш натижалари тўғрисида» Қарор қабул қилди.

Гулистонда Республика Олий Мажлисининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси, Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳузурдаги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши комиссияси ҳамда Республика хотин-қизлар қўмитасининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Қомусий аллома Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Республика ташкилий қўмитаси аъзолари Фарғона вилоятида бўлди. Улар Қува шаҳридаги Шаҳристон тепалигида олиб борилаётган археологик қазилма ишлари, меъморий обидалар, рамзий мақбара қурилиши, маданият ва истироҳат боғини бунёд этиш, Фарғонанинг Мустақиллик майдонида буюк бобоқалонимизга ҳайкал ўрнатиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар.

Тошкентда акциялар пакетини тартибга солиш ҳамда корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлашни энг долзарб чора-тадбирларига бағишланган семинар бўлди. Унда мамлакатимиздаги саноат тармоқлари, акциядорлик жамиятларининг раҳбарлари, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг мутахассислари иштирок этдилар.

Президент Ислам Каримов 8 март муносабати билан Ўзбекистон аёлларига байрам табриги йўллади. Бу табрик пойтахтдаги «Туркистон» саройида аёллар байрамига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда ўқиб эшиттирилди.

ЧОРШАНБАГАЧА

3

6

8

ТАЪСИСЧИЛАР:

Ўзбекистон
Республикаси
прокуратураси
«Қонун ҳимоясида»
журнали

Тошкент шаҳар ва
Тошкент вилояти
прокуратуралари

БОШ МУҲАРРИР:

Абдухолик
АБДУРАЗЗОҚОВ

**ТАҲРИР
ҲАЙЪАТИ**

Асрор АХМАДЖОНОВ
Дилшод ИСЛОМОВ

(масъул котиб)

Эркин ЙЎЛДОШЕВ
Мэлис НАИМОВ
Орипжон ХОЛМАТОВ
Лола ШОМУРОВА
Бахтиёр НАЗАРОВ

(бош муҳаррир
ўринбосари)

Газета андозаси
«Хуқуқ» газетаси
компьютер марказида
тайёрланди.

Таҳририятга келган
қўлёзмалар муаллифга
кайтарилмайди. Муал-
лифларнинг фикрлари
таҳририят фикридан
фарқланishi мумкин.
Газетадан кўчириб
босилганда «Хуқуқ»дан
олинди, деб
кўрсатилиши шарт.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Гоголь
кўчаси, 66 - уй.

Телефонлар:

13-363-88, 13-382-34,
77-69-64.

Газета Тошкент вилоят
матбуот бошқармаси
томонидан №767 рақам
билан рўйхатга олинган.

Газета «Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни
босмаҳонасида офсет
усулида босилди.
Манзили: Тошкент
шаҳри,

Буюк Турон кўчаси - 41.

Нусхаси 20085
Буюртма Г- 01112
Қоғоз бичими - А-3.
Баҳоси сотувда эркин
нархда.

Навбатчи
О. БЕГАЛИЕВ

Мусахҳих:
М.ДУСИЯРОВА

1 2 3 4 5 6 7

Прокурор сўз сўрайди

Туман прокуратураси ва ички ишлар бўлими ходимларининг Денов қишлоғи аҳолиси билан учрашувда саксон ёшли нуроний мол ўғрилорига қарши мурросасиз кураш олиб борил-

ЭССИЗ УМР, ОДАМГАРЧИЛИК

маётганлигини танқид қилди. Бу барчамизни ҳушёр тортирди, қатъий ҳаракатга чорлади. Одамларнинг куюниб гапир-шиғонича бор. Ахир яхши кунимга яраб, деб парвариш-лаётган новвосдан, ёки оилани сут-қатиқ билан таъминлаб турган ситирдан айрилишни тасаввур этинг.

Энг ёмони, бу каби кўнгил-сизликлар олди олинмаса, ки-шилларда қонун ва осойишта-лик посбонларига нисбатан ишонсизликка уйғонади.

Пухта ўйланган тadbир асо-сида ишга киришдик. Қишлоқ фаоллари ёрдамга келдилар. Тажрибам, ҳаётий кузатулар-дан шунини биланманки, ўғри зоти аноний эмас. Кўпинча шохидас-мас - баргида юришни одат қилишган улор.

...Ярим кеча. Қутилмаганда ҳово айниб, кучли шамол тур-ди. У борган сари зўрайиб, хас-чўплорни эшик ва дераза-ларга уради, томларнинг бўғотлорини юлқийди. Шу пайт мўюлишда икки шарпа кўринди. Улар дарахт панасидан туриб, ён-атрофини синчиклаб кузатиш-ди. Ховф йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, бири тезкор ҳаракат қилиб мўлжал қилинган уйнинг деворидан ошиб, эшикни очди. Икковлон ўзларини молхонага уришди. Ҳоял ўтмай етилтириб боқилган новвосни етаклаб чиқисди. Эгри қўллар ўлжани жар ёқалаб ҳайдоб кетишди.

Хар дам гонимат эди. Тезкор гуруҳ аъзолари Х. Бозоров, М. Мустақилов, А. Нейматов, Б. Солиевларнинг режалари тўғри бўлиб чиқди. Ўғрилар-мудом судланган, Чандир қишлоғилик Нарзулло Паттоев ва унинг ҳамтовоғи бозорда новвосни пуллаётган чоғида қўлга олин-дилар. Одил суд ҳукми билан қатор оилаларни қийратган кимсалор беш йил қамоқ жазо-

сига маҳкум этилдилар.

Баъзи ёшларнинг юзтубан кетганликларини кўриб ўйга толасан киши. Ўғрилик гуноҳи азим, жиноятга жазо муқар-рарлигини наҳотки билишма-со? Ҳаммаси оила, мактабда-ғи тарбияга бориб тақалади. Афсуски, баъзи ота-оналар-нинг лоқайдлиги, худбинлиги ёки фарзандларини ёшлигидан талтайтиришлари уларнинг кўнгли кўчасига киришларига сабаб бўлмақда.

Ғиёсиддин Ҳосилов ва Ак-мал Жумаев узоқ вақт кўча тентирашди. Вақт ўтиши билан ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олишга одатланиш-ди. Ичувчи, туриш-турмушининг тайини йўқ кимсалор билан ош-қатиқ бўлиш бу икки ёшни ту-банлик сари етаклади. Икков-лон тил бириктириб «Боғи аф-зал» жамоа хўжалиги мириш-қори С. Комиловнинг фарзан-длари тўйига атаб боқайётган новвосини ўғирлаб сотишди. Эгриқўл оғайниларнинг қўла-роғи дунё жилава қиларди. Чўнтак тўла пул, ҳар кун айшу ишрат. Бирок, кўза кунда эмас, кундада синидади. Бунини бахтга қарши ҳаёлларига келтириш-масди. Ўрганган кўнгил ўртан-са қўймас, деганларидек, Ҳоси-лов ва Жумаев орадан ўн беш кун ўтгач яна жиноятга қўл уриш-ди. Милиция ходимлари виждо-нини жиғилдоғна алмаштирган бу икки ёшнинг изига тушиш-ганди. Кечаю кундуз қилинган саъй-ҳаракат туфайли ўғрилар қўлга олиндилар. Ана энди тав-ба тазарру, кўз ёшию афсус-надоматларни кўрсангиз. Лекин жиноятга жазо муқаррор. Эс-сиз умр, одамгарчилик!

Инсон боласи мураккаб. Баъзиларнинг устамонлиги, ҳаёт соҳнасидаги ўз ролини ниҳоятда қойилмақом қилиб ўйнаши бизни ҳаммаша ҳушёрликка чор-

лайди. Сайфулло, Рамзиддин Раҳмоновлар, уларнинг фар-зандлари камсўқум, сертакал-луф, савоб ишларга бел боғла-ган инсонлар соғида танилиш-ди. Қарангки, кўй оғзидан чўп олмаган бу ота-болаларнинг «ажойиб касб»лари бор экан. Тунда овга чиқиб, хонадон-лардан мол ўғирлашаркан. Улар йиллар мобайнида ниҳоят-да усталик билан, ҳеч қандай далилу ашё қолдирмай ҳарак-кат қилишган. Яширмайман, баъзида милиция ходимларини ҳам лаққиллата олишган. Боз устига, кимларнингдир ўз бур-чиға совуққонлиги, масъулият-сизлиги туфайли оилавий ўғри-лар туманмо-туман, хўжаликма-хўжалик кезиб, 50 дан ортиқ қорамолни ўғирлашган. Ниҳоят, ашаддий жиноятчилор тумани-миз худудида қўлга олинди.

Неъмат Воҳидов «фаолияти» билан яқиндан танишгач, ҳай-ратим янада ошди. У об-ҳово айниган, қор-ёғмир ёққан кез-ларда шум ниятини амалга оши-рар экан. Тоғқилдашича, ўзига таниш одамларнинг шароити-ни синчиклаб ўрганиб, режани ҳаммаша пухта қилиб бажарган. 20 дан ортиқ мол ўғирлаб, қас-собларга етказиб турган қал-лоқ тумшугидан илинди. Ҳозир-да тергов ишлари олиб бори-лмоқда.

Республикамиз Президенти Ислоҳ Каримов Вазирлар Маҳкамасининг шу йилнинг 25 февраль куни бўлиб ўтган маж-лисидоғи маърузасида ҳуқуқ-тартибот органлари олдига гоят масъулиятли вазифалор қўйди. Қонун посбонларининг қўли пок бўлиши керак... Органларда содир этилаётган ҳар қандай жиноят, аввало, уларнинг обрў-сини тўқоди, ҳуқуқий давлат қуриш йўлидоғи саъй-ҳаракат-ларимизга катта зиён етказ-ди, деган сўзларидан бача-

миз тегишли хулосалор чиқариб олмақдамиз.

Прокуратура фаолияти ян-ғича талаблар асосида тако-миллаштирилмоқда. Сафлари-мизнинг соғлиғи учун қатъий ишга киришдик. Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳка-масининг қарорларини бажари-ш юзасидан белгиланган тadbирлар ижроси изчил назор-атга олинган. Прокуратура орашавуви билан муаммолор, келишмовчиликлар, адолатсиз-ликлар қонуний ҳал этиляпти. Масалан, туман хўжаликлари бош пиллахонога топширган «кўмуш тала» ҳақини ололмай келишарди. Ходимларимиз ёрдамида хўжалик судига дъ-во аризаси берилгач, 8441772 сўмлик дебитор қарзлар эғола-рига ундириб берилди.

Контрактация шартномала-рини тузиш, улорга рияя этиш-да баъзида бир ёқамалликка йўл қўйилляпти. Шофиркондоғи бешта дехқон (фермер) хўжа-лиғи етказиб берган маҳсулоти учун ҳақларини ололмай, сар-сон бўлиб юришган. Прокура-тура орашавуви билан «Нур-илло», «Отбек», «Сардор», «Замин» дехқон (фермер) хўжа-ликларига тегишли маблағлар қайтарилди.

Туманда ўғирлик, порохўр-лик, ташмачиларга қарши му-росасиз кураш бошлангач, Қаварда талабчанлик бўлмаса, ўша ерда ғирмом ишларга йўл очилади. «Ҳайдаробод» жамоа хўжалиғи чорвадори С.Жаб-баров назоратсизликдан фой-даланиб, 71 бош туяни ўзбо-шимчилик билан пуллаб юбор-гани учун суд ҳукми билан 8 йилга озодликдан маҳрум этил-ди.

«Бухоро» жамоа хўжалиғи амбор мудури Н.Ҳидоятлов 3 тонна донни ўғирлаб, эл-юрт ўртасида шармандаю шарми-сор бўлди. Қиньир ишининг қийғи қирқ йилдан кейин ҳам билана-ди. Нопок йўлга кириб, ширин умрини ҳазон қилганлар қис-мати барча учун сабоқ бўлиши лозим.

Набижон ЯХШИЕВ,
Шофиркон туман прокурори.

Газетхон мактуби

ЯШАМОҚ СИНОВДИР

Ҳурматли «Хуқуқ» газетаси ижодий ходимлари.
Мен газетангизни мунтазам ўқиб бораман. Яқинда, яъни ҳафтаномағинг 1998 йил 14 январь сонидо чоп этилган тишжоратчи аёллар ҳақидағи мақола кўнчлик қатори мени ҳам ўйга толдирди. Айниқса, мақола ниҳоясида таъкидланган «Рўзғори бут аёл минг азоб билан хорижга бормайди», деган фикрга мен ҳам юз фоиз қўшилман. Ҳақиқатдан ҳам, ҳозирги пайтдо оила боқиш эркак кишига осон эмас.

Шундай қилиб, агар аёллар уйдан чиқмай, «берсанг ейманг, бермасанг ўламан» қабилида иш тутса, тирикчилик ўтмайди. Шунинг учун аёлларнинг тишжорат билан шуғулланишини ҳозирги шароитдан келиб чиққан ҳолда қоралай олмаимиз. Лекин тирикчилик учун, рўзғорни бутлаш учун тишжорат билан шуғулланаётган баъзи аёлларнинг қаноатни унутиб, ортиқча бойлик ортидан қувишларини сира оқлаб бўлмайди. Бу уларнинг маънавиятига салбий таъсир қилмоқда. Баъзилари эри бир ойда топган пулни бир кунда топишини рўжак қилиб, оилада ҳурматини йўқотмоқда. Шундан кўп жанжаллар келиб чиқади. Бу эса ўз навбатида болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Шулардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, тишжоратчи аёлларимиз шарқ аёлларига хос маънавий қиёфаларини сақлаб қолсалар оилада ҳам, жамиятда ҳам ўз ўринларини топади. Оила йили деб эълон қилинган ушбу йилда аёлларимизнинг рўзғорлари бут бўлиб, фарзандлари бағрида оилавий ишлар билан машғул бўлишини!

Х.ТИЛАБОВ,
Сирдарё вилояти,
Бахт шаҳри.



▲ Халқнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга Конимех туман прокуратурасида ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса жиноятчилик камайишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.
Режалаштирилган ҳар бир иш эса прокурор назоратида бўлади.
Суратда: Туман прокурори, «Дўстлик» ордени соҳибаси Заври Садинова ҳамкасблари билан навбатдаги иш режасини муҳокама қилмоқда.

Муқаддас бурч

Оила - жамиятнинг бир бўлаги бўлиб, унинг идизи бақувотлиги жамият ахлидигини, мустаҳкамлигини ташкил этади. Оила асосчилари бўлмиш ота-онага эса фарзандларини ҳар томонлама етуқ, барқамол инсонлар қилиб тарбиялашдек мураккаб ва масъулиятли вазифа юклатилган.

Аксариyat ота-оналар оила олдидagi ўз бурч ва масъулиятларини тўғри англаган ҳолда фарзандларига тўғри тарбия бериб, уларнинг бахтли келажagini таъминлашга ҳаракат қиладилар. Гуруч қурмаксиз бўлмайдиган деганларидек, афсуски, оиласи бетинч, фақат ўз хузур-ҳаловатини кўзлайдиган ота-оналик масъулиятни унутиб қўйган кимсалар ҳам учраб туради.

Бундай оилада туғилиб ўсган фарзандлардан келгусида нимани кутиш мумкин? 1997 йилда республика бўйича бир неча юз нотинч оила аниқланган. Шунингдек, кўпlab вояга етмаган ўсмирлар эса турли ҳуқуқ-бузарликлари учун ИИБнинг вояга етмаганлар билан ишловчи инспекцияси томонидан рўйхатга олинган. Ийд давомида ота-оналик вазифасини бажармай, болалар тарбиясига салбий таъсир этётган, спиртли ва гивёнд моддалар истеъмол қилувчи 108 нафар шахс ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган. Вояга етмаган фарзандлари ва моддий томондан қийналган, меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаган кўпlab шахслар эса УЎР ЖКнинг 122-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилган.

Моддий ва маънавий жиҳатдан қийналган болаларнинг ўз-бошимчалик билан ўйларидан кетиб қолишига ҳам юқоридаги каби ҳолатлар сабаб бўлади.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳар хил тасодиф туфайли

ятлар, шунингдек, ўғрилиқ, босқинчилик ва безорилик жиноятлари ҳам жиддий ташвиш туғдирмоқда.

Балогатга етмаган, муқаддам 16 ёшда талончилик қилиб судланганлигидан тегишли ху-

надиган бўлсак, у оила аъзоларининг масъулиятсизлиги, қолаверса, мактаб маъмурияти ҳамда маҳалланинг бефарқлигига бориб тақалади.

Жиззах вилоятида эр-хотин Кенгашевлар 3 нафар фар-

Ахир, ондан ҳам меҳрибонроқ, фарзандлар толеини ўйловчи инсон йўқ-ку!

Иккала ҳолат бир-бирига ўхшашмайди. Ундаги жиноятларнинг мақсади ҳам, усули ҳам бошқа-бошқа. Бироқ, икки беғуноҳ инсоннинг умрига замин бўлган, юқорида номлари тилга олинган ёшларнинг бунчалик ваҳшийлашиб кетишига сабаб нима? Бу мамлакатимизга четдан

ОИЛА МУҚАДДАС, ТАРБИЯ БОШ ВАЗИФА



Матлуба НИФМОНОВА, Республика прокуратурасининг Судларда жиноий ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси катта прокурори, адлия маслаҳатчиси.

кўчада топилган «дўстлар» билан биргаликда, улар таъсири остида спиртли, гивёнд моддалари истеъмол қилиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этиш ҳоллари камоймаярди. Маст ҳолда жиноят содир этганлар сони ортган.

Вояга етмаганларнинг жиноят содир этиб, судланиш ҳолати кўпайгани, айниқса, улар томонидан шахснинг соғлиги, ҳаётига қарши жино-

лоса чиқармаган Д.Сусол тенгдаши С. Якунин билан бирга Чилонзор туманида яшовчи 3 фуқаронинг йиллаб йиққан мол-мулкни бир кечада ўғирлаб кетган. Бундан ташқари улар, маст ҳолда муқаддам судланган С.Степанов билан биргаликда безорилик қилиб, фуқаро Бантиковни ўта шафқатсизлик билан ўлдирганлар. Бу ўсмирларнинг шунчалик ваҳшийлашиб кетиши сабабларини ўрга-

занди бўлгани ҳолда ажрашадиган ва аёл ўз болаларини турмуш ўртоғига ташлаб кетди. Эр З.Юсупова исми аёлга уйланиб, болаларини унинг қарамлигига қўйиб ишлаб юрди. Аммо, собиқ эр-хотин пинҳона учрашиб юрадилар. Бундан ташқари Юсупова доимий равишда болаларни уриб, овқат бермай, кўчага чиқармай қийнаб келади. 3 ёшли энг кичик ўғли Жаҳонгирни арзимоган баҳона билан уради. Натижада бола олинган жароҳат натижасида вафот этади. Тергов даврида оилдаги қизлар Дилафруз ҳамда Озоданинг баданларида ҳам тан жароҳати борлиги аниқланган.

Содир этган жиноятлари учун З.Юсупова қонуний жазосини олиб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилган. Аммо, ўз-ўзидан савол туғилади. Нима учун уч беғуноҳ, покиза гўдакларни дунёга келтирган ота-оналарни биргаликда тарбия ҳар ҳоллари кўрмоқчилар? Яхш хил баҳоналар билан ташлаб кетган, кейин яна «учрашув» қилиб юрган онанинг ҳаракатларини қандай баҳолаш мумкин?

келтирилатган, ваҳшийликни тарғиб қилувчи жангари, ғоявий тўғриқўйсиз видеофильмларнинг айрим ёшлар онига кўрсатаётган салбий таъсири эмасмикан?

Яна бир муаммо мавжуд. Вилоят судлари амалиётини ўрганиш вояга етмаганлар ўртасида жинсий тарбия борасида муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Жамиятимизнинг бундай иллатлардан тазалаш учун ҳуқуқ органлари ходимларининг кучи калмак қилади, бунга ҳамма тарбия масканлари - маҳалла, оила ҳамкорлигида, биргаликда қилинган ҳаракат орқалигина камойтириш лозим. Бунда ҳам бола тарбиясининг асосий ўчоғи - оиладир.

Оиланинг мустаҳкам бўлишида эса ота-болалар муносабатини йўлга солиб турувчи - ОНАнинг роли юқоридир.

Қадрли ОНАлар, келажакимиз меваси бўлган фарзандларимизнинг тарбиясидан огоҳ бўлайлик, уларнинг оқил, фазил инсонлар бўлиб етишишларида масъулиятимиз ниҳоятда катталигини унутмайлик.

Бу ҳақда Республика прокуратурасининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида гапирилган эди

РАҚАМЛАР ОРТИДАГИ ЖИНОЯТЛАР

- Неъмат Исломович, республикамиздаги ҳар бир вилоят ўзининг алоҳида жўғрофий тузилишига ва хусусиятига эга. Юз бераётган қонунбузарлик ҳамда жиноятларда ҳам мана шу хусусият акс этади. Шундай эмасми?

- Вилоят аҳолисининг тирикчилиги деҳқончилик билан боғлиқ. Бошқа соҳаларнинг фаолияти бевоқифа шу тармок билан боғлиниб қолганлиги туфайли қонунбузарликларнинг асосий қисми шу соҳада юз бераётган.

Халқимизни боқадиган ҳам, кийинтирадиган ҳам ер. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги Қонунининг ижросини назорат қилиш прокуратура идоралари фаолиятининг асосий йўналишини ташкил этади. Утган йили вилоят прокуратураси томонидан шу соҳага оид 44 марта текшириш ўтказилди. Қонунбузарлик ҳолатлари ва уларни келтириб чиқарётган сабабларни барта-раф этиш юзасидан 54 та тақдимнома, 35 та амрнома киритилди. 89 нафар раҳбар ходим оғохлантирилди. 198 та шахсга нисбатан интизомий, 257 та шахсга нисбатан маъмурий жазо чоралари кўрилди. 4 та шахс моддий жавобгарликка тортилди.

Умумий миқдори 1 миллион 465,6 минг сўмлик давво аризалари киритилди, етказилган зарарнинг 962,4 минг сўми айбдор шахслар томонидан қопланди.

- Мана шу қонунбузарликлар қай тарзда содир этилган?

- Қишлоқ хўжалик ҳисоботида кўра, вилоят бўйича 99 гектар ортиқча майдонга чийит екилганини кўрсатилган. Аслида эса режага нисбатан 2079,5 гектарга, ҳисоботга кўра 2188,5 гектар ерга уруғ

Жиззах вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Неъмат ИСЛОМОВ билан мулоқот.

қадалмаган. Зомин туманида бу кўрсаткич 782,2, Зафаробод туманида 500,8, Арнасай туманида 381, Зарбдор туманида 278, Жиззах туманида 264 гектарни ташкил этган.

Ииллик режада кўзда тутилмаган 185 гектар ерга ерёноқ, режага нисбатан 781,2 гектар ортиқча ерга шולי, 1016 гектар ерга полиз экинлари, 224 гектар ерга сабзавот, 322,8 гектар ерга лиёз, 520,4 гектар ерга қунгобоқар экинлари ортиқча экилган. 1300 гектар суғориладиган майдон шахсий томорка учун ортиқча тақсимланган.

Зомин туманидаги 17-хўжалик ҳисобидида агроучастка раҳбари С.Қаршибоев ва ер тузувчи К.Турсунқуловлар 21 гектар пахта экиладиган майдонни «саҳийлик билан шахсий томорка учун тарқатишган. Бунинг учун ер тузувчи К.Турсунқуловга 20 минг сўм жарима солинди.

С.Қаршибоев эса полизчилик бригадаси бошлиғи Х.Мамадуқовдан 10 минг сўм пора олаётганида ушланиб, жиноий жавобгарликка тортилди. У, бу пул авозига 7 гектар ерга экилган тарвуз-ковунининг ҳосилдорлигини қасддан камойтириб, давлатга атиги 210 минг сўм пул топиши шариит яратган.

- Вилоятда 111,5 минг гектар сувли ерга пахта, 220 минг гектардан зиёд сувли ва лалли майдонларга галла экилади. 2-3

минг гектар ернинг талон-тарож қилиниши умумий ахволга зарар етказиши мумкинми?

- Вилоятда қатор йиллардан бери пахта ва дон тайёрлаш режаларининг бажарилмай келаётганининг сабаби кўп. Нафақат ердан, балки қишлоқ хўжалик техникасидан, маъданли ўғитлардан фойдаланишидаги хўжасизлик, масъулиятсизлик ҳам бу соҳанинг тараққиётига салбий таъсир кўрсатаётган. Иқтисодий ислохотларнинг туб моҳиятини англамаган раҳбарлар янгича шароитда хўжаликни бошқаришга нўноқлик қилиб қолмоқда. Оқибатда ушларга ишонган аҳолисини боқиниши удалай олмайти. Лоқайдлик бор жойда эса ўз-ўзидан жиноят келиб чиқади. Уруғликдан тортиб эҳтиёт қисмгача, ёнили-мойлаш ашёларидан тортиб маъданли ўғитгана талон-тарож қилиш ҳоллари мавжуд.

Утган йили Арнасай туманидаги «Қозонистон» ижара ширкатлар бирлашмасининг бригада бошлиғи Илғор Уролов ўз мансабидан фойдаланиб, 2175 килограмм бўғдойни ўмарган бўлса, Зарбдор туманидаги «Зорафшон» ижара ширкатлар бирлашмасида биринчи ширкат раиси Уктам Ортиқов 2500 килограмм бўғдойни хонадонига тушириб олганида ушланиб, жиноий жавобгарликка тортилди. Зафаробод тумани «Агротехсанонат» ҳиссадорлик жамиятида 20,5 миллион

сўмлик дефилиантларнинг қамомоди аниқланиб, айбдорларга нисбатан жиноий ишлар қўзғатилди. Галлароқлик Н.Номозбоев 2 тонна маъданли ўғитни Қозонистонга ўтказиб қўлдан қўлдан тушган бўлса, Зарбдор туманидан ширкат раиси Т.Бегимқулов 10 тонна ўғитни сотиб юборганини учун 6 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

- Сиз тилга олган ҳар бир жиноятнинг туб сабаблари нимада, уларнинг олдини олиш мумкинми?

- Ҳозирча вилоятда пахтадан бошқа даромод келтирадиган манбаа йўқ. Хўжаликлар ночор, уларга хизмат кўрсатаётган тармок қорхона ва ташкилотлар ночор. Уртадаги қарзларнинг миқдори катта. Унмийдиган қарз эса ҳар қандай тадбиркорнинг ҳам, ташаббускорнинг ҳам қўлини боғлайди.

Республика Президентининг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун қорхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларининг ижроси текширилганида 420 нафар раҳбарлар расман оғохлантирилди. 428 нафар мансабдорларга нисбатан маъмурий иш қўзғатилди. Хўжалик судига 148 миллион 962 минг сўмлик 37 та давво аризаси киритилди. 1 миллион 713,5 минг сўмлик қарзининг тўлиниши таъминланди. Шу йўналишда 25 та жиноий иш қўзғатилди.

Ижтимоий ислохотларнинг қишлоқ хўжалигида жорий этилиши доимий назоратимизда бўлади. Давлат ва халқ мулкчининг талон-тарож қилинмаслиги учун бутун имкониятларни сақлаб қолган эътибор.

Сўхбатдош Бахтиёр РИЗАЕВ.

Фармон ва ижро

ҚАЧОНГАЧА ТУРТКИ КЕРАК?

Тошкент шаҳар истикболни белгилаш ва статистика бош бошкармасининг маълумотларига кўра «Тошгаз» ташкилотида дебиторлик қарз 1 миллиард, 438 миллион 956 минг сўми, «Сувканал» трестда дебиторлик қарз 26 миллион 178 минг сўми, «Тошиссиқликэнерго» корхонасида дебиторлик қарзлар 79 миллион 937 минг сўми ташкил этади.

Тошкент шаҳар прокуратурасида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ ҳўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чоратadbирлар тўғрисида» ва 1996 йил 24 январдаги «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чоратadbирлари тўғрисида»ги Фармонлари талаблари пойтахтдаги корхона, ташкилотларда қандай бажарилаётганлиги масаласи кўриб чиқилди.

Йиғилиш «Сувканал» трести, «Тошгаз» ва «Тошиссиқликэнерго» корхоналарида Фармон ижроси юзасидан шу кунги аҳвол муҳокамасига бағишланди. Унда шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари Б.Ҳақназаров, умумий назорат бўлими бошлиғи С.Рўзиев, «Тошгаз» корхонаси директори С.Боширов, «Сувканал» трести раҳбари З.Солиҳжўев, «Тошиссиқликэнерго» бош директори Л.Костин ва мазкур ташкилотлар бош ҳисобчилари, ҳуқуқшунослар, корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари билан шуғулланувчи раҳбар ўринбосарлари иштирок этишди.

Шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари Б.Ҳақназаров ушбу корхона ва ташкилотларда Фармон талаблари кўпун равишда бузилаётганлиги, муддати ўтган дебиторлик қарзлар ошиб кетаётганини

таъкидлаб, корхона, ташкилот раҳбарларининг ишга масъулият билан ёндашмоётгани, ўз вақтида қарзларни ундириш борасида зарур чора-таadbирлар кўрилмаётганлиги ҳақида гапирди.

Шундан сўнг «Тошиссиқликэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Л.Костин, «Тошгаз» бошкармаси бошлиғи С.Боширов, «Сувканал» трести бошлиғи З.Солиҳжўевлар ўз жамоаларидаги бундай аҳволнинг сабаблари ҳусусида маълумот беришди.

Шаҳар прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи С.Рўзиев сўзга чиқиб, бундан кейин ушбу ташкилотларда қонунбузарлик ҳолатларига чек қўйилмас экан, уларнинг раҳбарларини жиддий жавобгарликка тортилиши масаласи кўриб чиқилишини билдирди.

Шунингдек, юқоридаги ташкилот раҳбарларининг номига Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан муддати ўтган дебиторлик қарзларни зудлик билан ундириш тўғрисида амрнома берилиши.

Мазкур йиғилишдан сўнг, юқоридаги уч ташкилот бўйича, 13 кун давомидда 1 миллиард 208 миллион, 958 минг 459 сўмлик муддати ўтган дебиторлик қарзлар ундирилди. Унинг 952574866 сўми «Тошгаз» ҳисобига, 128489700 сўми «Сувканал» трести ҳисобига, 127893000 сўми «Тошиссиқликэнерго» корхонасига тўғри келди. Ҳозирги кунда юқоридаги ташкилотларда дебиторлик қарзлар жадаллик билан ундирилмоқда.

Шаҳар прокуратураси текширувидан кейин ишдаги натижалар кўрина бошланди. Савол туғилади. Нера ушбу ташкилотларда йил давомида пайсалга солиниб келинган дебиторлик қарзларни ундириш маълум ҳафтадан ичда қойилмақом қилиб амалга оширилди?

Бу корхона ва ташкилот раҳбарларининг дўппи тор келгандан - жиний жавобгарликдан кўриб зир югуриб қолганликлар натижасимикин? Ахир, ҳар бир раҳбар, мутасоади ходим ўзига ишониб топширилган лавозим, вазифа масъулиятини, жавобгарлигини (фақат текширувдан кейингина эмас) ҳаминча англаб етмоғи, ўз жамоасида қатъий тартиб-интизом ўрнатмоғи, қонун-қоидалар, Президент Фармонлари ижросига ҳар доим бирдек эътибор қаратиш шарт эмасми? Раҳбарнинг ишга совуққонлиги, ҳўжасизлиги оқибатида хато-камчиликлари кўпчиликка, қолаверса, иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган мустақил мамлакатимиз тараққиётига ўз тўсирини қўрсатмай қолмаслигини тушуниб етмоқ, ноҳотки, қийин бўлса?

Уз вазифасини ўзи билиб қилолмаган мансаб эгаларига қачонгача текширув, назорат, бир сўз билан айтганда, туртки керак?!

С. ПАНОВА,
Тошкент шаҳар прокуратураси
умумий назорат бўлими бошлиғи
ўринбосари.

М. ҚУРБОННЇЗОВА.

Мавзуга қайтиб

«Тошкент шаҳридаги 1, 2, 21, 23, 30-болалар мурувват уйларида, 100-маҳсус мактаб-интернати, Й.Сунубоев номи кўзи ожиз болалар маҳсус мактаб-интернатида мутахассисларни жалб этган ҳолда ўтказган текширишларимиз, бу жойларда хайри ишлар билан бир қаторда камчилик ва нуқсонлар, қонун бузилиши ҳолатлари мавжудлигини кўрсатди.

«Қонунбузарликнинг катта-кичиси бўлмади». У.Жалолов.
«Хуқуқ», 4 февраль 1998 йил.

Мақолада келтирилган ушбу сатрларни ўқиб, ҳаёлга толасан киши. Ҳаётда тўрт мучаси бут, соғлом инсонгина ўзи учун курашишга қобил, ўзгалар олдида ночор, раҳм-шафқат, мурувватга зор бўлмай яшаш бахтига муяссар бўлади. Аммо, табиат барчани бир хил яратмаганидек, ҳамма ҳам бундай бахтга мушарраф эмас. Шундай бўлсада, жисмонан ожиз, ногирон кишилар ҳам дунёда бор экан, улар ҳам бошқалар каби яшашни истайдилар. Ҳўёт нашидасини сургиси, кўнгилларида қувонч, орзу-ҳавасни, илиқ туйғулорни туйғиси келади. Албатта, маънавияти соғлом, ўзлигини англаб етган ҳар бир халқ, миллият бунга бир доим ҳис қилади, тушуниб етади. Мўқаддас китобларимизда, ота-боболаримизнинг панд - насиҳатларига кўра, «Меҳр-муруввати, хайр-саховати бўлиш камил инсон учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Ёнингда мурувватинга мушток биродаринг турса, унинг кўнглига таскин бериб, бироз бўлсада яши қайфият улашсанг, ёрдам қўлини чўзсанг энг катта савоб иш

САВОБ ИШНИ

қилган ҳисобланасан». Шу ўринда айтиш мўмкинки, баъзи тараққиёти юқори мамлакатларда йирк мулк, мол-дунёга эга бой одалар қарилар, ночор, бева-бечораларга, болалар уйларига ёрдам бериш, саховат кўрсатиш билан ўзларини моданиятли кишилар, деб билишар экан.

Бугун мамлакатимизда фуқароларнинг иқтимоий, маънавий, ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш учун қатор саъий-ҳаракатлар қилинмоқда. Айниқса, жамиятимиз келажаги бўлган фарзандларга қилинаётган раҳмюрликлар ҳақида тўхталиш жоиз. Бунга «Соғлом авлод учун» жамгармасини ташкил этиш каби таadbирларни мисол тариқасида айтиш мўмкин.

Энди, юқорида эслганимиз, прокуратура ходими У.Жалолов мақоласига қайтсак. Унда танқид остига олинган масканларда ногирон болаларнинг яшаш шароитлари яхшимаслиги, болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш, саломатлигини муҳофазат қилиш талабга жавоб бермаслиги, биналар, овқатлиғи жойларнинг санитария ҳолатлари ёмонлиги, азиқ-овқат маҳсунотлари, таомлар сифатсизлиги; болалар қишда иссиқ кийимлар билан етарли даражада таъминланмаслиги каби қатор ачинарли далиллар кайд этилган эди.

Ушбу мақола эълон қилингандан кейин таҳририятимизга кўпלב газетхонлардан ўз мулоҳазалари билдирилган мактублар олдик. Қорақалпоғистон республикаси Тўрткўл шаҳрида яшовчи Раҳима Бекжонова ўз хатида «Болалар келажагимиз, деб кўп гапиримиз-ў, аммо уларга истаганчалик бахтли болаликни бахшида этолмаймиз. Уз ота-онаси бағрида ўсган бола, усти юпун, қорни оч бўлса-да, барибир кўнгли тўқ яшайди. Болалар уйда тарбияланаётган болаларга эса алоҳида эътибор зарур. Ота-она меҳрига зор ёки ногирон, кўнгли ўқисқ фарзандларга совуққонлик билан муносабатда бўлиш, ўта шафқатсизлик, деб ўйлайман», деб ёзибди.

Сирдарёлик Ҳуснида Матқурбонова ҳам шу мазмунда хат йўллаб, «Қарамогимда 6 фарзандим бор. Ноғирон қизимни Тошкентдаги мактаб-интернатнинг бирига берсам, у ерда талым олиш билан бирга соғлиғини тиклаш имкониятига эга бўлар, деган ниятда эдим. У масканлардаги аҳволни эшитиб, жуда ачиниб кетдим», дейди.

Кўлимизда яна бир хат. Лекин у қийнчак газетхонлардан эмас. Балки, уларнинг фикр-мулоҳазаларига илова десак тўғрироқ бўлади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПРОКУРАТУРАСИГА

Қамоқхонага мактуб

Ҳаёт инсонга бир марта берилади. Дилдора, сен буни яхши биласан. Бунга сенинг ақлинг етади. Аммо, сен нафс йўлига, бир сўз билан айтганда шайтон йўлига кирдинг. Оқибатда қилишиминг суд 10 йиллик жазо «тақдирлади». Аслида, ҳаётинг бундай бўлмаслиги ҳам мўмкин эди. Бунга нафақат сен, балки атрофингдагиларнинг ҳам айби бор. Сенга хат ёзишга ундаган нарсас - жиноят ишингдаги «турмушга чиқмаган, судланмаган», деган жумлалар бўлди.

Дилдора, сен бир оиланинг гўзал бекаси, ширин кичкинтойларнинг ойижони бўлишинг мўмкин эди. Аммо, тақдир сенга бунга раво кўрмади. Халқимизда «Нима эксанг, шуни ўрасан», деган бир мақол бор. Бу мақол сенга ўхшоб ҳаётдан адашганлар учун айтилган бўлса ажаб эмас. Қилими-қидирмиш, деб шуни айтсанлар керак-да.

Дилдора, сен тенги қизлар мустақил юртимизнинг бахтли келажаги учун тер тўкиб, меҳнат қилаёпти. Улар яратиб ишқи билан банд. Атрофга боқ; УзДЭУнинг гўзал автоташналарини, Мурувватнинг бағрини тилиб олтин олаётганлар ҳам, даладардан «оқ олтин» ундираётганлар ҳам сенинг тенгдошларинг. Хорижда билим олаётган ёшлардан сенинг ҳам кам жойинг йўқ. Сен эса хориқча фақат пул қидириб бординг. Пул топиш айб эмас, аммо, сен ҳаётдаги илк фаолиятингни бировларни чув тушуришдан бошладинг. 1996 йил 2 декабрь куни ўзингга таниш бўлган А. Умирзоқов, Г. Хонназаровлардан чет элдан пальто олиб келиб бераман, деб 1000 АҚШ долларини олдинг. Пальтонга эса танишларинг ухлаб тушида ҳам кўрмади. Фирибгарлар тили билан айтганда сен танишларингни «хула-

ЧИМИЛДИҚҚА ҚИРМАГАН ҚИЗ

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддаси 4-қисмининг «а» банди билан жавобгарликка тортилган Дилдора Юсуповага

тиб» кетган эдинг. Бир варакайга уч-тўрт кишини олдош ҳамманнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун одамда тўғма талант бўлиши керак. Инсонларнинг қалбига йўл топишда ҳам устаси фаранг бўлиб кетибсан. Ҳолбуки, Е.Романовдан 1996 йил 10 июль куни 300 000 сўмини қуртдай саноб олдинг. Баҳона ҳам топдинг: «Стамбетаб, давлатлиги учун пул керак бўлиб қолди», деб. Бу пулни қўрқмай шахсий эҳтиёжларинг учун ишлатиб юбординг. Бу камлик қилгандай, О.Костиндан ҳам қайтиб бериш шарти билан 600 минг сўмини олдинг-ў, қайтаришини хоёлигинг ҳам келтирмадинг. М. Солиҳовни 450 минг сўмга олдинг. Фирибгарлигинг маълум бўлган, танишларинг ички ишлар бўлимига мурожаат қилишга мажбур бўлишди. Сенга ишонч билдирган танишларинг ҳам ишларга пухта ҳамкорлардан экан. Сендан пул бергани тўғрисида тилхат олишни унутмабди. Устингдан жиноят иши кўзгатилиб, қилишимингн фож қилишда, терговчи учун тилхатларинг жуда кўл келди.

Келтирилган далилларни инкор этиб бўлмайди. Бунга ўзинг ҳам яхши биласан. Жиноят ишидаги «қарор менга эълон қилинди», деган жойда сенинг имзон турибди. Бу айбонинг иқроқлигингдан далолат. Адолатсизлигини бир киши қилади, ёки

кўпчилики, барибир у мунофиқликдир, деган эди инглиз файласуфи Г.Спенсер. Ҳақиқатдан ҳам сен, ўз танишларингнинг ишончига кириб, уларга нисбатан мунофиқлик қилдинг. Қилишимингн ўрганиб чиққан туман суди сенга 10 йил қамоқ жазосини тайинлади. 10 йил айтишга осон. Аммо, қамоқда бир куннинг ўтиши йилга татишини ўзинг энди аста-секин биласан. Бу муддат сен учун жиноятинг сабабларини обдон ўйлаб, ҳулоса чиқаришинг учун етарли. Кейинги йилларда жиноят кўчасига қираётган сен каби хотин-қизлар сонни ошмоқда. Бунинг сабабини ҳар ким ўзига боҳолайди. Аслида бунинг сабаби ишончсизлик ва эътиқодсизлик эмасмикин?

Олмавий ахборот воситалари жамиятимиздаги бу оғриқлар ҳақида ҳар кун бунга ўрмоқда. Аммо, ўзгаришлар эса...

Сўнги йиллар ичда биригина Сурхондарё вилояти, Узун тумани судида ундан ортиқ аёлнинг гивандилик билан боғлиқ жиноят иши кўриб чиқилибди. Оиламиз таъини бўлган аёлларимизнинг жиноятга кўл уриши оналар номига доғ тушириш-ку. Нера бундай нохушлиқлар содир бўлмоқда?

Дилдора, балки бу сўзларга ишонмасан. Қойсики жамиятда аёлнинг юзигади ифрат пардоси кўтаришса, ўша жамиятда

жиноятчилик илдиэ отади. Бунга ҳаёт кўрсатмоқда. Бизга бу иллат қизил империянинг меросларидан бири. Сен бунга олий маълуоти инсон сифатида яхши биласан. Танлиқ француз ёзувчиси Н.Шамфоннинг «Фирибгарлар ҳаммаша, сал бўлса ҳам софдил одам бўлиб кўринишга интиладилар», - деган машҳур бир гапи бор.

Сен ҳам терговда ва судда ўзингни оқлошга ҳаракат қилгансан. Аммо, фактлар эса ўжарлик қилган.

Мамлакатимизда қонун устиворлигини таъминлаш йўлида катта ишлар қилинаёпти. Юртбошимизнинг инсонларвар фармонлари эълон қилинмоқда. Айниқса, Президентимизнинг авф этиш тўғрисидаги Фармони сен каби йўл бошида адашганларга бир оз бўлса-да, имконият берди.

Дилдора, ҳўм ўқилганда сен 27 ёшда эдинг. Орадан 10 йил ўтган, умринг кам бир жойга бориб қолади. Унда сен чимилдиққа қирмаган қиз бўласан. Тенгдошларинг эса қиз чиқариш, келин тушириш дордида юрган бўлирди. Сен эса ҳаётингни қайтадан бошлашинг керак бўлади...

Ушбуларни ёзишдан мақсад сенинг серташвиш умринг бошқаларга ўрناк бўлсин, дейман.

Сенга ҳўрмат ва эҳтиром ила
Зайниддин МАМАДАЛИЕВ.

Тухматнинг умри қисқа

БАХТГА ЁПИЛМАГАН ЭШИК

Дунёда муҳаббат илоҳий, Куръон муқаддас, умр ўткинчи, яхшилик, ёмонлик... ва мен тубига етиб-етмаган тушунчалар талайгина. Муқаддас ёзувларда битилишича, дўзах азобларидан бири, яъни чақимчи, гийбатчи кишиларга боқий дунёда қўлига ўткир тиг бериб қўйилар, шу тиг билан тилини кесар экан. Ҳар гал кесиб бўлгач, тагин тил ўсиб чиқар, дўзахий яна кесар, яна ўша ҳолат такрорланаверар экан. Уларнинг охи-ратдаги жазоси шу экан.



Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси «Қонунбузилиш ва уларни келтириб чиқараётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида»ги 1997 йил 26 декабрдаги тақдимномангизга асосан қўйидагиларни маълум қилади.

Ўзи оғир ва заиф болалар махсус мактаб-интернатда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тубандоғилар амалга оширилди:

- Тиббий хизматчиларнинг ўз иш жойида бўлмаслиги масаласи атрофда муҳокама этилди. Мавжуд штат жадаллига кўра, икки нафар тиббий ходим белгиланган бўлиб, текшириш кўни улар касал бўлганликлари учун ишга келмаганлар. Ҳозирги кунда офталмолог шифокор олиш учун ҳаракат қилинмоқда. Шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига, туман соғлиқни сақлаш бўлими, ТошТИ, Ўзбекистон педиатрия институтига хат билан мурожаат қилинди.

Шунга қарамадан шаҳар Халқ таълими Бош бошқармаси, шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда Ўзбекистон педиатрия институтини ҳомий қилиб бириктиришга эришди.

Махсус институтнинг офталмология кафедраси болалар соғлиғини ойма бир марта текшириб, даволаш ишларини олиб бормоқда.

Мактаб-интернатда директор, унинг муовини ўзгартирилди (сентябрь ойида). Янги раҳбарлар ишни яхшилаш ҳаракатларини олиб бормоқдалар.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, калориялигини назорат қилиш-

ҲАР КҮН ҚИЛ

ни кучайтириш мақсадида бракераж комиссияси сафига энг қатъиятли ўқувчилардан қўйилди, улар вақти-вақти билан текширув ишларини олиб бормоқдалар.

Енгининг олдини олиш чоралари бўйича қолган ишлар ажратилган бюджет маблағларига қараб бажарилишини таъминлаш ишлари олиб борилаётган. Тақдимномада қайд этилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида 21, 23, 30-мехрибонлик уйлари ва 100 мактаб-интернатига 500 комплекс ўрин-кўрпа жилдлари Бош бошқарма тарафидан олиб тарқатилди.

Қаттиқ жиҳозлар билан таъминлаш масаласида бюджетнинг тақчиллигини ҳисобга олиб, мавжудларини таъминлаш ва ундан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш чоралари қўрилмоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини ошириш мақсадида Тошкент шаҳар Давлат таъминоти корхонаси билан биргаликда берилаётган маҳсулотларнинг сифатли бўлишига келишилди.

Болаларга берилаётган овқатларнинг сифати, калориялигини нормал ҳолда бўлишида йўл қўйган камчилиги учун 30-мехрибонлик уйи раҳбари Р.Г.Мустақимова Бош бошқарманинг 25 ноябрь 1997 йилдаги 485-сонли буйруғи билан 1 декабрдан вазифасидан озод этилди.

Бундан буён ҳам мехрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлардаги ишлар доимий назоратда бўлиши учун тадбирлар ишлаб чиқилди.

Х.МАЪДИЕВ,
Бош бошқарма муовини.

Юртимизга табиатнинг уйғониш даври, қутлуғ айём таширф буюраётир. Қутлуғ Наврўз байрами муносабати билан талай хайрли ишлар амалга ошириляпти. Кўп саҳovatпеша инсонлар, тадбиркор ишбилармонлар, корхона ва ташкилотлар анъанана кўра, хайр-эхсон тадбирларини ташкил қиладилар. Бундан, албатта, болалар муруват уйлари бенаосиб қолмайди. Аммо, савоб ишни нафақат ногиронлар, балки бутун болаларга ҳаммаша, ҳар кун қилиш ҳар биримизнинг юксак бурчимиздир.Зеро, эртанги кунимиз истиқболи тонгини нурафшон кўрайлик.

М.КҮРБОННИЁЗОВА,
«Хуқук» мухбири.



▲ Фарзанд оила меваси.

Р.ШАРИПОВ сурати.

Божхонадан бир хабар

- Акмал, - деди Равшан бир кунни ҳамқишлоғига, - тўсатдан бойиб кетишини хоҳлайсанми?
- Албатта-да. Лекин қандай қилиб?
- Бунинг йўли осон. Атрофга бир разм солгин-а. Ҳамма ўзини ўтдан-чўққа уриб, пулни-пулга уриштиряпти. Нима, фалончи хона қилган ишни биз амалга олмаймизми? Қочон қарама, шиша-шиша спирт олиб сотади.
- Нима демоқчисан, ўзи, бир эшитайлик-чи?...
Уша кунни Андижон вилоятининг

Шаҳрихон туманида истикомат қилувчи Равшан Мўминов ҳамда Акмал Камоллидиновлар пишиқ-пухта режа туздилар. Тожикистондан ҳозирча ишни юргизиб олиш учун бироз спирт олиб келиш, кейинчалик каттароқ ишга қўл уришга келишиб олишди. Лекин...
Лекин, бу ёғи «қовун» бўлди.

Ҳамқишлоқлар биринчи боришдоек нақд 215 литр спиртни 86 минг сўмга сотиб олиб, Сирдарё орқали қайиқда олиб ўтиб, эндигина йўлга отланишдоетганида Чилмоҳрамдаги божхона ходимлари томонидан тўхтатилди.
Бешарик тумани суди бу икки «хаваскор» тадбиркорнинг ҳаракати юзасидан

дан юритилган маъмурий ишни қўриб чиқиб, спиртни давлат фойдасига мўсодара қилди. Божхона қондасини бузган Р.Мўминов ҳамда А.Камоллидиновларга эса жарима солинди.
Зайнобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,
вилоят божхона бошқармаси «Матбуот маркази» бошлиғи.

СИРДАРЁ СОҲИЛИДАН СУДГА

Ушбу қарор устидан томонлардан шикоят бўлмади.

Албатта, сиз ушбу оила мижозлари ҳақида, унинг сабабчилари, иштирокчилари ҳақида ўзгача фикр билдиришингиз мумкин. Аммо, мен масаланинг бошқа бир жиҳатида диққатингизни жалб этишни истардим, яъни иш юзасидан мулоқотда бўлиб турган раҳбар ва котибанинг муносабатини бошқача талқин этиб, нотўғри тушуниб, С.Мамажонованинг ақинларига бошқача етказган Х.Норқулованинг хатти-ҳаракатини қандай баҳолаш мумкин?

Шу билан у нимгага эришди? Эришгани у, Оллоҳнинг қаҳрига, оиланинг уволлига қолди, қоловерса, эл-юртнинг назаридан тушди. Ахир, у тилини тийиб, воқеанинг тафсилотини тўғри тушунганда эди, юқоридо баён этиб ўтганимиз - кўнглисизлик юз бермаган бўларди.

Бугун оилаларнинг бузилишига олиб келаётган сабаблар турли хил. Мен биргина гийбатчилик, нақимчилик туфайли бир оиланинг тинчлиги бузилаётганини ҳақида тўхтадим. Биз оилани озалдан муқаддас билиб, уни эъзозлаган буюк ҳолқнинг, андишоли миллатнинг авлодлари эканлигимизни унутмаслигимиз, бир сўз билан дилини вайрон, бир лутф ила кўнглини шод айлаш мумкинлигини ёддан чиқармаслигимиз лозим.

Ажабмаски, шунда судга никоҳларини бекор қилишни сўраб мурожаат қилувчилар қамайса, ажабмаски, тирик етим бўлиб, мунчоқ кўзларидан аччиқ ёшларини тўкиб, дам онасига, дам отаэжонига қараб жовдираб боқоётган балоэжонларнинг йиғиси шодликка айланса.

Оила йилда одамлар бир-бирларини аяшларини, бир-бирларига яхшилик илинишларини истаб, сўзимни қўйидаги сатрлар билан тугатишга жазм қилдим.

Сиздан нима кетди, эй дўсту азиз,

Соғинманг менга ҳам бир зум ёмонлик.

Мендан нима кетди, Сизга ҳам чексиз,

Саодат тилайман, тилай омонлик.

Ойбек ИСМОИЛОВ,
Тошкент вилоят суди ходими.

Прокурор бонг уради

Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлиснинг Х сессиясида сўзлаган нутқида қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жиҳатларига тўхталиб, тизимда ислохотлар жараёнини тезлаштириш ҳамда чуқурлаштириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратган, қишлоқ хўжалигидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш механизми хусусида гапирган эди. Шунингдек, мустақиллик йилларида қабул қилинган «Ёр тўғрисидаги», «Кооперация тўғрисидаги», «Ижара тўғрисидаги», «Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги» ва бошқа қатор Қонунлар, фармонлар, ҳукумат қарорлари соҳада аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асослари бўлиб, эндиги долзарб вазифа шулар ижросини таъминлашдир, деган эди.

Яқинда мухбиримиз Зангиота туман прокурори Дилшод ИСРОИЛОВ хузурида бўлиб, қишлоқ хўжалигида қонун устиворлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида сўхбатлашди.

Туман прокуратураси томонидан ўтган 1997 йилда қишлоқ хўжалигида ислохотларнинг бориши, қонунчилик аҳоли бўйича умумий назорат тартибидан мунтазам равишда текширишлар олиб борилди. Туман ҳудудидagi идоралар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, жамоа ва давлат хўжаликлари, шунингдек, фуқаролар томонидан қонунга қай даражада риоя этилаётгани масаласи ўрганиб чиқилди. Қонунбузилиш ҳолатлари асосан хўжаликларнинг молиявий фаолияти, ердан фойдаланиш, бошоқли дон етиштириш, чорвачилик, меҳнатга ҳақ тўлаш ва солиқ борасида учрамоқда.

Айниқса, дебиторлик қарзларини ундириш муаммоси ҳамон долзарблигича қолмоқда. Бу масаланинг ижобий ҳал этилиши - хўжаликлар ҳисоб рақамидан пул маблағлари бўлиши, солиқ ва мажбурий тўловлар вақтида тўланиши, иш ҳақи ва нафақаларнинг вақтида олинишининг кафолатидир. Бизнинг солиқ инспекцияси билан ҳамкорликда олиб борган ишларимиз натижасида дебитор қарзларини ундириш, вақтида ҳисоб-китоб қилиш, умуман тўлов интизомни мустаҳкамлаш борасида бирмунча силжишга эришилди. Шу йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, дебитор қарзлар миқдори йил давомида 342,7 миллиондан 391,9 миллион сўмга ўсган бўлса-да, лекин қарзларнинг ўсиш суръати, хусусан, мuddати ўтган қарзлар миқдори камайди. Тўлаш мuddати 60 кундан ўтган дебитор қарзлар 161,9 миллиондан 67 миллион сўмга келтирилди. Туманда тўлаш мuddати уч йилдан ошган қарзлар мавжуд эмас. Аммо, хануз баъзи раҳбарлар қосдан ўз хизмат вазифасини суистеъмол қилиб ёки бепарволик оқибатида хорж фирмаларига чув тушиш-моқда. Бунинг асосий сабаблари хўжалик раҳбарлари томонидан ҳамкор томоннинг тўлов қобилияти яхши ўрганилмаганидир. Биргина раҳбарнинг этиборсизлиги, боринги, совдосизлиги тўғрисида хўжалик катта миқдорда зиён кўриб, ишчи хизматчилар ойлик маошларини ололмасдан азият чекиш-моқда.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг қули рағбатлантирувчи ва самарали тизимни ҳали вужудга келтирганимиз йўқ.

«Узмах-сусувденаж» трестига қарашли УПТК бошлиғи А.Головин, «Ўртаол» туманларо бирлашмаси раҳбари И.Пўлатов, «Назарбек» фишт заводи директори И.Жураевлар жиний жавобгар қилинди.

Туманда дебитор қарзларини ундириш методикаси бўйича республика Олий хўжалик судининг мутахассисла-

ЎН МИЛЛИОНГА ТУШГАН



Дилшод ИСРОИЛОВ,
Зангиота тумани прокурори,
адлия кичик маслаҳатчиси

ри билан ҳамкорликда семинарлар ўтказилди. Хўжаликларда юрист-маслаҳатчи штатларининг ўзи йўқлиги сабаб прокуратура тақлифи билан «Зангиота» агрофирмаси қошида махсус юридик фирма очилди...

Маълумки, дебитор қарзларини ундириш муаммоси иш ҳақини вақтида тўлаш масаласи билан бевосита боғлиқ. Президентимиз айтганидек, «Қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг қули рағбатлантирувчи ва қизиқтирувчи механизмлар ва самарали тизимини ҳали вужудга келтирганимиз йўқ. Деҳқон етиштирган маҳсулотга ўз вақтида ҳақ тўлаш, ҳисоб-китоб ишларида ҳам қатор камчиликлар бор». Шу йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, хўжаликларнинг иш ҳақидан қарзи 13 миллион 819 минг сўмни ташкил этади. Охунбобоев номи хўжалик 1,5 миллион, МГМК-420 ташкилоти 3,9 миллиондан ошқ иш ҳақидан қарздор бўлиб, 1996 йилнинг охириги кварталга учун ҳамон ҳисоб-китоб қилинмаган. Бундай қарзлар «Дўстлик» ва «Ўзбекистон» паррандочилик фабрикаларида 900 минг сўмдан, кўрлар жамиятига қарашли ташкилотда 996 минг сўм, қишлоқ хўжалиги коллежи ёрдами хўжалигида 88 минг сўмни ташкил этади. Бу хўжаликларда 1997 йилнинг сентябрь ойидан бери иш ҳақи тўланмаган. Баъзи хўжаликларда қолхозчиларнинг иш ҳақи ойма-ой бериб бориладиган, йил охирида «айллик» сифатида берилаётганлиги аниқланди. Лекин сентябрь ойида олинган ойлик билан январь ойида олинган ойликнинг қадри бир хил бўлармикунин? Қолаверса, бу амалиёт ноқонуний бўлиб, қолхозчиларнинг манфаатларини поймол қилишдан ташқари молия интизомини бузиш ҳисобланади. Назаримда, бундай пайтда ҳар бир қолхозчиға ҳалқ банкининг туман бўлимида «Шахсий ҳисоб» очиб, иш ҳақини

шў ҳисобга ўтказиш керак. Туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишлар натижаси бўйича 21 та корхона, ташкилот раҳбарлари интизомий жавобгарликка тортилди. Бу каби қонунбузарликлар бартараф қилинмасдан, яна такрор содир этилса, жиний жавобгарликка тортиш масаласи кўрилади.

ФАРМОЙИШ

Ёр - давлат мулки. Ундан қонунларда кўрсатилганидек оқилона ва мақсадли фойдаланиш керак. Аммо, баъзи раҳбарлар қишлоқ хўжалиги ерларини талон-торож қилиб, шахсий уй-жой қуриш учун бериб юборишмоқда. Баъзан ўзбошимчалик билан эгаллаиб, уй қуриш ҳоллари ҳам учрамоқда. Жумладан, «Хизмат» ширкати раҳбари В.Аракеян ширкатга фойдаланиш учун ажратилган ернинг 0,30 гектарини икки фуқарога шахсий уй-жой қуриш учун бериб юборган. Бу факт юзасидан ширкат раҳбари В. Аракеянга нисбатан ЖКнинг 197-моддаси билан жиноят иши кўзга тутилди, суд ҳукми билан жавобгарликка тортилди. Бундан ташқари, «Мустақиллик» хўжалигида 1990 йилда уй-жой қуриш учун берилган ерларда шу кунгача ҳеч нарса қурилмагани, ўзбошимчалик билан қўшимча ерлар қўшиб олингани аниқланди. Шу кунларда бу ерларни аукцион орқали сотиш масаласи ҳал қилинмоқда.

Биздаги маълумотларга қараганда, туманда 1791 га ерга бошоқли дон экилган. Ҳар бир гектар ердан ўртача ҳисобда 35 центнердан бугдой ҳосили олинганда жами 6268,5 тонна ҳосил олиш мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 24 майдаги 192-сонли «Бошоқли дон ҳосилини йиғиб олиш ва давлатга топшириш, унинг ташкил йиғим-терим масалалари тўғрисида»ги Қарорига кўра, олинган ҳосилнинг тенг ярми хўжаликлар ихтиёрида қолдирилиши керак, яъни Зангиота тумани давлатга 3134,3 тонна бошоқли дон топширилиши керак эди. Қонун шунга тақозо қиларди. Лекин вилоят ҳокимининг 1997 йил 12 февралда чиқарган 39-сонли «Вилоят кишлоқ хўжалигини ривожлантириш, 1997 йилги истиқбол кўрсаткичлари ҳақидаги фармойиш асосида Зангиота тумани бўйича бошоқли дон ҳосилига 3840 тонна давлат буюртмаси белгиланган. Бу буюртма нимага, қайси қонунга асосан берилгани ҳозирда прокуратура томонидан ўрганилмоқда...

«Кўпгина раҳбарлар онгида режали иқтисодий йилларида шакланган эски ақидалар ҳамон яшаб келмоқда. У пайтда раҳбарлардан ҳосилни йиғиб олиш бўйича белгиланган план топшириқларини ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам бажариш талаб қилинарди. Давлат қарзлар ва барча ҳаражатлардан воз кечиш кетишини олдиндан ҳамма биларди. Муҳими, маҳсулот миқдори ва ҳажми эди, бу миқдор ниманинг эвазига келгани ҳеч кимни ташвишга солмас эди. Бу қондан яхшилаб ўзлаштириб олган раҳбарлар қаҳрамон бўлиб гердайиб юрарди. Ҳар қандай йўл билан режали бажариш раҳбарларнинг ташкилотчилик фаолиятини, уларнинг сиёсий етуқлигининг асосий мезони эди. Афсуски, бугун ҳам раҳбарлар фаолиятига ўтмиш-

нинг ана шундай номақбул ўлчови билан ёндошмоқдамиз», деган эди Президентимиз Ислам Каримов.

Ташкент вилоят ҳокимининг оқоридаги 39-сонли фармойиши талаблари Зангиота туманида бекам-кўст бажарилган. Ҳўш, бундан хўжаликлар нима наф кўрди? «Барокат» хўжалиги давлат буюртмасидан ташқари яна 409 тонна бошоқли доннинг ҳар бир килограммининг 3 сўмдан арзон нархда, «Эркин» хўжалиги 400 тонна ва «Бўзсув» хўжалиги 500 тонна уруғлик доннинг ҳар бир килограммининг ўртача 10 сўмдан арзон нархда давлатга топширган.

Оқибатда шу учта хўжалик 10 миллион сўмдан кўпроқ даромаддан маҳрум бўлиши, уларнинг манфаатларига жиддий зарар етказилди. Бу пулга хўжаликлар зарур техникалар сотиб олишлари ёки қурилиш қилиб, халқнинг турмуш тарзини яхшилашлари мумкин эди-ку?

Яна бир масала. Ҳар йили ҳосил йиғим-терим кампанияси даврида ДАН ходимлари жалб қилиниб, уларнинг кучи билан бошқа автохўжаликларнинг машиналари қонунсиз текинга ишлатилмоқда. Бундай усуллар оқибатида автохўжаликларга келтирилган минг-лаб сўмлик зарарни ким қоплайди? Биз

қачонга милиция ходимларини қонунбузарликка йўл қўйишга мажбур қилармиз? Бу каби масалаларни шу кунларда, йиғим-терим бошланишидан олдин ҳал қилишимиз керак.

Ҳар бир назорат қилиш идораси ўзининг соҳаси бўйича тумандаги хўжалик, ташкилот ва идоралар фаолиятини ўрганиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан ваколати доирасида чора кўриши, агар қўпол қонунбузарликлар содир этилган бўлса, тўпланган ҳужжатларни туман прокуратурасига юбориши лозим бўлади.

Бу тажриба давлат солиқ инспекцияси, божхона хизмати ва назорат тафтиш бўлими томонидан яхши қўланилмоқда. Аммо, бошқа назорат ҳуқуқига эга бўлган идоралар билан семинар машғулотлари ўтказилиб, раҳбарлари расмий равишда оғохлантирилгани, топшириқлар берилганига қарамасдан ўтган йили бирорта материал прокуратурага берилмади. Наҳотки, ветеринария, СЭС, табиатни муҳофазо қилиш, давлат техника назорати, архитектура, ер тузиш ва фойдаланиш борасида жиддий қонунбузарликларга йўл қўйилган бўлса? Халқимиз касалини аяширсанг, иситмаси ошкор қилади, деб бежиз айтишмаган.

Назаримда, биз бугунги кунда ҳамжихатликда ишлашимиз, барча соҳада ва ҳар қачон қонун устиворлигига эришишимиз лозим. Зеро қонунга итоатли бўлиш тараққиётнинг бош омилидир.

Сўхбатдош:
Б.УЛЛИБОЕВ.

Шу йилнинг 1 январь ҳолатига кўра Зангиота туманидаги хўжаликларнинг иш ҳақидан қарзи 13 млн. 819 минг сўмни ташкил этади

Наср

Томмазо ЛАНДОЛФИ,
(Италия)

ЁЛЛАНГАН ҚОТИЛ

(ҳикоя)

Жаноб Т., ўзимизга ўхшаб, ёлланган қотилни умрида яқиндан туриб ўз кўзлари билан кўрмаганлардан. Ҳозир қаршида қаққайиб турган (қутилмаганда ғойибдан пайдо бўлган) бу одамқушни топишнинг ўзи бўлгани йўқ. Не-не обрўли таниш-билишларни ўртага солишга тўғри келмади.

Кулгинг қистойди, ёлланган қотилни қандай тасаввур қилсак шундай - унинг рўпарасидаги бу нусха айнан ўзи: яп-янги шляпасини қошига бостириб олган, оёғида ялтираб турган ғарч-ғурч этик, дастурмолининг бир бурчи кўкрак чўнтағидан чиқиб турибди, юриши - айқандай лапангайди. Бироқ, пўрим кийингани билан унинг важоҳати, бир қараганда юракка озмунча ваҳима солмайди: ғарч кўзларининг ўзи бир даҳшат - ўлган бузқоникдайд сузилиб туради, назари тешиб юборғудай, боз устига маънили, ўта берахи.

Қотил яқин келиб, курсининг суянчига сергак ўтирди ва савол маъносига хўш, эшитаман, гапир гапирини дегандай иягини кўтарди.

- Ниҳоят, сиз билан кўришимиз бахтига муяссар бўлдим, чамаси? - деди тавозе билан жаноб Т.

- Худди шундай. Хўш?
- Менга ёрдамнинг керак.
- Тушуниб турибман. Қани, кимнинг қафанини бичамиз?
- Ҳ, худойи! Сиз мени кўрkitаясиз. Нахотки бундай... сал пардалаб, силлиқроқ қилиб гапиршининг илоҳи бўлмаса?
- Нега энди?
- Тушунаман, тушунаман. Бошқача...
- Бошқачаси менга тўғри келмайди, борим шу. Хўш, кимни?
- Агар муҳими кимлигини билиш бўлса...
- Муҳими шу!
- Мени.

Ёлланган қотилнинг боя таърифлаганимиз - кўзлари бир лаҳза галати учкунлоди, у гўё рўпарасида инжиқ бир аёл ёки гўдак тургандай ишлайди. Бироқ, бу кувноклик ийлт этдию, сўнди.

- Сизни деясизми? Демак, мен сизнинг ўзингизни асфаласофилига жўнатишим керак?
- Янглишмадингиз.
- Нега? - бефарқ оҳангда, ҳеч бир таажубланмай туриб сўради ёлланган қотил.
- Бу ёғи менинг ишим.
- Тўғри, сизнинг ишингиз.
- Яшагим келмаяпти. Тушунарлими?
- Тушунмай ўлибманми, - тан олди ёлланган қотил. - Қандай шартлар бор?
- Хизматингиз учун қанча сўрайсиз?
- Беш миллион.
- Киммат.
- Менинг ҳар доим кўядиган қатий баҳом шу. Т. бир зумда ўзининг жамғармасини чамалаб олди-да, рози бўлди.
- Майли, беш миллион бўлса, беш миллион.
- Аниқ қилиб айтганда, мендан нима талаб қилинади?
- Бу нима деганингиз? Мени ўлдиришингиз керак, вассалом.
- Тўғри, бироқ қачон, қаерда? Қай тарзда?
- У ёғи сизнинг ихтиёрингизда.
- Э, йўқ, менга бунақаси кетмайди, бошни қотирманг: бу ишдан ёлғоннинг ҳиди келаяпти. Нега энди ўзингизни ўзингиз ўлдириб кўя қолмадингиз?
- Чунки кўрақман, жон ширин.
- Жон ширин, денг. Демак, бундан чиқдики, мен сизни кутилмаганда даф қилишим лозим, бошқача айтганда, бу - сюрприз бўлиши керак-да, а?
- Албатта.
- Сиз ҳатто жон бераётганингизни сезмай қолинг, шундайми?
- Худди шундай.
- У ҳолда афсус...
- Нима?
- Бу иш олти миллион бўлади.
- Нега энди?
- Биласизми, - қотил ишнинг касбига алоқадор томонларини изоҳлай кетди, - сиз қўяётган шарт ишни жудаям оғирлаштираяпти. Айтиб бўладими, қалтис вазиятда бир ёқли қилишга тўғри келиб қолса-чи?

Жаноб Т. ёлланган қотилнинг жиддийлашганини кўриб, хаёлан сўнуйди-да, дарҳол мольвий имкониятларини яна бир

бор миясида хомчўт қилиб олиб, ниҳоят кўнди.

- Олти бўлса олти, гап йўқ. Нарҳини келишдик. Яна нима?
- Билиб кўйинг, мен ўзимча муҳлат белгилаб оламан, дей-лик, бир йил: демак, сизни бир йил ичида тинчитаман. Сиз ўлимингизни ўйламаддингиз, гўё унутиб юборгандай хотиржам юришингиз учун шундай қилишга мажбурман. Аксинча, қанақа сюрприз чиқди бу ишдан?
- Бироқ, менинг тезроқ ўлгим келаяпти.
- Қотил хириллаб хунук кулди.
- Сабр қилишга тўғри келади. Яхши иш вақт талаб қилади. Кутганингиз билан ҳеч нима йўқотмайсиз, ўлишини билган одамга қуни қандай ўтаётганининг нима аҳамияти бор?
- Ўзингиз биласиз. Олти миллион ва бир йил - шарт шу.
- Бўпти! - қичқирди жаноб Т. Қачон бошлаймиз?
- Бир йиллик муҳлатни қачондан ҳисоблай бошлаймиз демуқчиси, шекилли. Аввал мен сиздан олти миллионни олай. Албатта, нақд пул билан. Минг лирალი майда қоғоз пул бўлсин.
- Во-ҳа, пухта ўйлаганингизни қаранг-а!
- Ишимиз шунақа, - қотил отиникидай йирик тишларини кўрсатиб вазмин иржайди. - Биз ҳалол иш қиламиз.
- Навора, эртага эрталаб кириб ўтарсиз, пулни тахт қилиб қўяман. Тўхтанг... борди-ю, пулни олиб, кейин жуфтанин...
- Таваккал қилаверасиз энди, - деди қотил унинг айтмоқчи бўлган гапини тугатмасидан фахлалаб, - ёки мен таваккал қилиб кўрайми, аҳмоқ бўлиб, а? Ахир, ишни битирганимдан кейин сиз мен билан ҳисоб-китоб қилолмайсиз-ку: у пайт сиз асфаласофилида бўласиз.
- Бошқа бирор-бир йўлини ўйлаб кўрамизмикин...
- Сиз ўйлаган аҳмоқлардан эмасман, маъзур тутасиз.
- Унда, келинг, майли сиз айтганча бўла қолсин, - ён берди Т., ўзича ишнинг қоқдор бемозалигини ўйлаб; ахир, ўзининг ўлдиришларини истаб турганда, тайин қотилинган

алдаб кетмасмикан, деб шубҳалансонг.

- Қолаверса, менинг айтган гапларим, ваъдан сиз учун етарлими? - деди ёлланган қотил.

- Нега энди, етарли. Менда, ўзи бошқа пул йўқ.

- Демак, келишдик.

- Жуда соз. Демак, эртага эрталаб иш ерда, соат... Банклар саккиз яримдан ишлайди... Тўққизда!

- Яхши, тўққизда.

Ёлланган қотил ўрнидан туриб керишди ва сўхтанган яқунлаб деди:

- Бу ёғининг ташвишини қилманг. Хайр, яхши ухланг.

У шундай деб, худди туйнукдан сакраган ўри мушукдай бир лаҳзада ғойиб бўлди.

Эртаси эрталаб ёлланган қотил миллионларни олгани етиб келган чоғ (жаноб Т.нинг қай аллозда ўтирганини тасаввур қилиш қийин эмас). Ҳа, шўрлик Т. ҳануз ўлимига муштоқ бўлиб ўтирар, чунки вужудини кемираётган ғаму андуҳлардан ҳолис бўлишнинг бошқа чораси йўқ эди. Боз устига, ҳар бир доқиқа энг сўнги нафас бўлиши ҳеч гап эмас... Умуман, ўлимини орзу қилишнинг ва энди яшашга бирор-бир илжин қолмаганига ўзинини ишонтиришинг бошқача-ю, ажалга рози бўлиб, хотиржам ўтириб Азроилини қутишинг бошқа экан. Т.нинг ўлгиси келарди, бироқ айни чоғда теварағига ҳар хил буюмларни тўплаб барикада қуриб олишни ҳам унутмаганди, тик этган товущдан бир қарич чўчиб тушар, ўткир олма бесох тилиб кетган қаншаридан сизган бир томчи қонга кўзи тушиб, ўтақаси ёрилғудай эди. Хуллас, у ҳаётдан ниманидир кутар, бироқ нималигини ўзи ҳам англай билмас, кутгани мовҳум эди. Мовҳум умидлар эса ҳаммаша зоведир.

Кунларни қувиб кунлар ўтди, рўй бериши қутилган даҳшатли хунрезликдан эса дарак йўқ, қутавериб алданган Т. яна оддий, яқранг ҳаёт оқимига қўшилди.

Аҳмад ОТАБОЧ таржимаси.

(Давоми кейинги сонда).

Дард борки...

Дард борки...



Кўк йўталга йўлиққан киши новвот, қизил атиргул гулбарги, бодом мағзи ва кашничини бўтқадай ийлаб, овқатга ишлатсин. Агар нафас нотекис бўлиб, кўкракдан хириллаш эшитилса, қора кўй думбаси ва пиёздан шўрва қилиб, уч кун ичиш лозим.

Йўтал, қорин оғриши ёки дам бўлишдан қийналган киши икки ярим мисқол занжабил, беш мисқол майиз, бир мисқол арпаодиёндан қайнатма қилиб ичсин.

Кўкйўталга қўй қорачигини қайнатиб, қуритиб, кейин уни шакар билан бирга истемьол қилиш фойда беради.

Сурункали йўталга қайнатилган турп ейиш фойда беради.

Чўл кийгининг сафросини сувага арашатириб ичиш йўталга кор қилади. Анжир ейиш ҳам фойдалидир.

Анжирни судта қайнатиб ейилса, йўтал йўқолади.

Йўталдан қийналган одам бугўдойни қайнатиб, қайнатмага сутта омухта қилсин ва муфтондан кейин ичсин.

Йўтал қийналган киши думба ёғини судта қайнатиб, уни шорка билан истемьол қилиши лозим.

Эрталаблари шолғом еган киши йўталга дучор бўлмайди. Яна шолғом нафасни юмшатиб, ўпкани тазалайди ҳам.

Луқмон ҲАКИМ «Табобат»идан.

Спорт

ФУТБОЛ ЭШИК ҚОҚМОҚДА

Халқимиз баҳор келишини қанчалик интиқлик билан кутган бўлса, футбол муҳлислари мамлакатимизда улкан спорт байрамига айланажак - 7-миллий чемпионат ўйинлари бошланишини ана шундай муштоқлик билан кутаётганликлари аниқ. Футбол эса остонада эшик қоқмоқда. Навбатдаги миллий чемпионат ўйинларига қадар барча командалар мавсумга ўз сюрпризларини тайёрлаётганликларига шубҳаланмаса ҳам бўлади. Чунки футбол олий лигасида қатнашувчи кўпгина жамоалар таркибида жиддий ўзгаришлар рўй берганидан хабарингиз бор. Жумладан, кўпчиликнинг севимли командаси «Пахтакор» таркиби бу йил ҳар қачонгидан кучлироқ, деб ҳисоблаш мумкин. Ҳар қалай, янги бош мураббий ўз олдига катта мақсадни қўйган. Ҳозирча эса «Пахтакор»чилар ана шу мақсадга етишиш йўлида майдонда тер тўкиб, машқ қилмоқдалар. «Пахтакор» жамоаси яқиндагина Бирлаш-

ган Араб Амрлигидан қайтиб келди. Футболчилариниз бу мамлакатда мамлакат чемпионатида тайёргарлик босқичи билан боғлиқ 4 та ўртоқлик учрашуви ўтказдилар. Биринчи ўйинда уларга Қозоғистоннинг «Елимай» командаси рақиб бўлди. Бу учрашувда кучлар тенг келди - 2:2. Қозоғистоннинг янги пойтахти Ақмоланинг «Астана» жамоаси билан ўтказилган иккинчи ўйинда ҳам дуронг натижа қайд қилинди. Бирлашган Араб Амрлигининг «Ал Шатт» командаси футболчилари ҳам «Пахтакор»чилар билан куч синашиб кўришди. Бу ўйин 5:2 ҳисобида ҳамюртларимиз ғалабаси билан тугади. Ниҳоят «Пахтакор»чилар сўнги учрашувда Россиянинг «Жемчужина» клубига қарши майдонга чиқдилар. Бу ўйин йирик ҳисобда (7:2) юртдошларимиз фойдасига ҳал бўлди. Команда футболчилари бу йилги чемпионатда ўзининг қизикарли ўйинлари билан ўз муҳлисларини хушнуд этадилар, деб умид қиламиз.

Н.БАХТИЁРОВ.



▲ Авлодлар учрашуви

Р.ШАРИПОВ фотоси